

ЎЗБЕКИСТОНДА КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ТАРИХИГА ОИД АРХИВ ХУЖЖАТЛАРИ МАНБА СИФАТИДА

Чориев Рахмонберди Юсуфович

Термиз давлат университети

Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи

Аннотация: *Ушбу мақолада Ўзбекистон ССРда совет ҳокимиятининг олиб борган кўчириш сиёсатига архивлар ва уларда сақланган фондлар ҳақида маълумотлар таҳлил этилган. Шу қаторда, айрим ташкилот архив фондларининг ҳужжатлар тавсифи берилган.*

Калитли сўзлар: *Ўзбекистон ССР, Ўзбекистон миллий архиви, совет ҳокимияти, кўчириш сиёсати, вилоят давлат архивлари*

Ўрта Осиё ҳудудларида совет ҳокимияти ўрнатилгач, ўз мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида Ўрта Осиёда турли сиёсий қарорлар қабул қилган. Совет ҳокимиятининг кўчириш сиёсатини амалга ошириш ишлари Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссарлигига юклатилиб, асосан ушбу масалалар билан комиссарлик қошидаги Ер ишлари бошқармаси шуғулланган.

Аммо Кўчириш сиёсатини амалга оширишдан олдин СССРнинг барча ҳудудларидаги кам аҳоли яшаш жойлари, ҳудудлардаги географик ва сиёсий аҳвол, бўш ерлар ва улардан фойдланиш ҳақидаги барча маълумотлар ВКП (Всесоюзный Переселенческий Комитет при ЦИК СССР) томонидан обдон таҳлил этилган [1].

Совет ҳокимиятининг Ўзбекистон ССРда амалга ошириган кўчириш сиёсати тарихига оид маълумотлар бугунги кунда Ўзбекистоннинг архивларида сақланиб қолган бўлиб, уларни иккита гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ўзбекистон Миллий архивида сақланган ҳужжатлар
2. Вилоят давлат архивларида сақланган ҳужжатлар

Биринчи гуруҳ туркум ҳужжатлар юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Миллий архивида жамланган бўлиб, унда жами 800 мингдан ортиқ совет даврига оид йиғмажилдлар орасида кўплаб кўчириш сиёсатига оид ҳужжатларни учратиш мумкин[2].

Ўзбекистонда марказий орган вазифасини бажарган Марказий ижро қўмитаси (ЎзССР МИК) ва Ўзбекистон ССР Халқ комиссарлари (Ўзбекистон ССР ХКС)совети ушбу сиёсатни амалга оширишда барча кўрсатмаларни



марказдан олган ва ўз навбатида қарорлар қабул қилган, тешгишли учун ташкилотларга ижро этиш кўрсатмалар берган.

Ўзбекистон ССР МИҚ архив хужжатлари Ўзбекистон Миллий архивининг Р-86 фондида сақланган бўлиб, фонд таркибида №1, №2, №10 рақам остида учта йиғмажилдлар рўйхати (кейинги ўринларда рўйхат деб берилади)да мингдан ортиқ йиғмажилд сақланган.

Ўзбекистон ССР Халқ комиссарлари совети фонди Р-837-рақами билан сақланган бўлиб, 10 миндан ортиқ йиғмажилдалр жамланган.

Ушбу фондлар таркибида, хусусан кўчириш сиёсати оид СССР МИҚ ва ХКС қарорлари, циркуляр ва мажлис баённомалари; ЎзССР МИҚ декрети ва қарорлари, ЎзССР МИҚ ва ХКС нинг ҳамкорликда қабул қилган қарор ва циркулярлари стенографик материаллари, ҳисобот маърузалари сақланган.

Кўчириш сиёсати тарихига оид яна бир архив манбаларидан бири бу Ўзбекистон ССР Ер ишлари (Деҳқончилик) комиссарлигининг Р-90-фонди ҳисобланади. Ташкилот хужжатлари 1938 йилда 4112 та й/ж архивга топширилган. Ушбу комиссарлик таркибида Сув хўжалиги бошқармаси (Р-218), Ер ишлари бошқармаси (Р-218), Марказий ердан фойдаланиш партияси (Р-223), Марказий Ер ишлари Комиссияси (Р-225) каби бўлимларнинг алоҳида фондлари шакллантирилган. 1946 йилда Ер ишлари комиссарлиги Вазирлик этиб ташкил этилган ва ҳозирда унинг архив хужжатлари алоҳида Р-2454 фонд рақами остида сақланган [2].

Таъкидлаш лозимки, Ер ишлари халқ комиссарлиги фондининг 8-рўйхатида 145, 146, 147, 148, 148а йиғмажилдларида кўчириш сиёсати оид муҳим маълумотлар сақланган [3].

Кўчириш сиёсати тарихига оид маълумотларни ўзида жамлаган фондлардан яна бири бу Ўзбекистон ССР Молия комиссарлиги фонди ҳисобланади. Чунки ушбу ташкилот республикадаги барча ташкилотларга молиялаштириш масалаларини таъминлашда муҳим ўрин тутган[4].

Ўзбекистон ССР Молия халқ комиссарлиги архив фонди Р-93-индекси билан сақланган бўлиб, унда кўчириш сиёсати борасида ажратилган маблағлар сметалари, молиявий ҳисоботлар каби хужжатлар жамланган.

Фонд таркибида Ўзбекистон ССР МИҚ ва ХКС мажлисларининг қарорлари ва журналлари, Ўзбекистон ССР Молия комиссарлиги тўғрисидаги фармойишлари, Ўзбекистон ССР Молия комиссарлиги ҳайъати ва бюджет йиғилишларининг баённомалари, молиялаштириш бўйича статистик хужжатлар сақланган.

Иккинчи туркум архив хужжатларига, ушбу масалага оид архив хужжаталарини ўзида сақлаётган вилоят давлат архивларини киритиш



мумкин. Масалан, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона Тошкент шаҳри ва вилояти давлат архивлари ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида таъкидлаб ўтилган фондлар муҳим манба бўлиб, уларда ушбу сиёсий жараёнларга оид кўплаб ўрганилмаган муҳим тарихий маълумотлар сақланган. Ушбу архив хужжатлари асосида тадқиқот ишларини олиб бориш, совет даври тарихини янада чуқурроқ англашга ва совет ҳокимиятининг сиёсатининг моҳиятини англашда ёрдам беради.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Son Zhanna. Переселенческая политика СССР и принудительное переселение советских корейцев (1920-1937) 소련이주 정책과 소련고려인 강제이주 (1920-1937) Migration policy of the USSR and the forced relocation of the Soviet Koreans (1920-1937). Сон Корея 2016.pdf (hse.ru)

2. Архивные документы ЦГА РУз—важный источник по изучению проблем обеспечения Туркестанской АССР водой в 1917—1924 гг. ШШ Чориев - Документ. Архив. История. Современность ..., 2014

3. ЎзМА, Р-2454-фонд, 1-рўйхат, 9-й/ж, 324-варак

4. Classification of the Turkestan ASSR documentation in the Central State Archive of the Republic of Uzbekistan SS Choriev - ISJ Theoretical & Applied Science, 2017

5. ЎзМА, Р-90-фонд, 8-рўйхат таҳлили

6. THE ESTABLISHMENT HISTORY, ACTIVITIES, AND DOCUMENT DESCRIPTION OF THE NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN. IN Nematov - AMERICAN JOURNAL OF MULTIDISCIPLINARY ..., 2025

